

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 180 (927)


8
СЕНТЯБРЬ
ЯКШАНБА
1957 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЯНИ

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент трамвай-троллейбус трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективига табриги. (1-бет).

Атом уруши хавфига қарши, тинчлик ва тартиқлиқ ушбу Милоси шаҳар оқилларининг йиғилиши (2-бет).

М. Қўқорон. — Аҳднинг тўта бажарилиши (3-бет).



СОВЕТСКИМ БОГАТЫРЯМ-ТИНКИСТЯМ-САВЯ!

Рассомлардан В. Трухачев ва Л. Семеновалар ишлаган плакат (Давлат тасвирий санъат нашриёти).

Совет танкчиларининг шонли байрами

Бугун — танкчилар куни. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари традицион байрам — танкчилар кунини эфр хурсандчилик ва фахр билан нишонлайди.

Танкчилар куни мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунистик тарбия қилиш йўлида буюк ва тарихий ғалабаларни қўлга киритган бир вазиятга ўтказилмоқда. Совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар, шонли партияимизнинг XX съезди томонидан кўрсатилган улғувор вазифаларни амалга ошириш учун самарали меҳнат қилаётдилар. Халқимиз улғу аёлим — Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини янги ижодий муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёрланмоқда.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари ва унинг ажралмас жанговар қисми бўлган бронетанк ва механикалаштирилган қўшинлари мамлакатимиз чегараларининг ҳавфсизлигини, совет кишиларининг тинч ижодий меҳнатларини хўшроқлик билан қўриқмоқдалар, бутун дунёда барқарор тинчликни ўрнатилганга муносиб ҳисса қўшаётдилар.

Биз бронетанк ва механикалаштирилган қўшинларимизнинг шонли тарихи, жанговар традициялари билан ҳақни равишда фахрланамиз. Бронетанк ва механикалаштирилган қўшинларимиз Улғу Октябрь ғалабаларини мустақамлашда, оғза-Ватанимизнинг ҳавфсизлиги ва мустақиллигига хавф солган босқинчиларни яқсон этишда мислсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. СССР Олий Совети Президиуми бронетанк ва механикалаштирилган қўшинларимизнинг Ватан олдидаги, айниқса Улғу Ватан уруши йилларидаги катта жанговар хизматларини, совет танкчиларининг бронетанк қўшинларимизни янги қудратли техника билан таъминлашда эришган муваффақиятларини таъдирлаб, ҳар йили Танкчилар кунини ўтказишга қарор қилди. Танкчилар куни халқимизнинг, Қуролли Кучларимизнинг ҳар йили, традицион байрамларидан бири бўлиб қолди.

Бронетанк ва механикалаштирилган қўшинларимиз жонажон партияимизнинг доимий раҳбарлиги остида тарихий йўлни босиб ўтиб, Қуролли Кучларимизнинг қудратли, зарбдор қисмига айланди. 1920 йилда улғу доҳимиз В. И. Лениннинг кўрсатмисига мувофиқ «Крас-

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Тошкент трамвайининг 50 йиллиги муносабати билан Тошкент трамвайининг кекса ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 103 киши қўш йиллик самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Мукофотланганлар орасида мастер Хожо Абдуллаев, вагон ҳайдовчи Раҳима Абдуллаева, старший диспетчер Михаил Андреевич Лергай, ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг собиқ инженери Андрей Макарович Дубарев, мастер Шоазизов ва бошқалар бор.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЙЛИС

7 сентябрда Тошкентдаги Муқимий номи ёллик театрида Тошкент трамвайининг 50 йиллигига бағишланган тантанали майлис бўлди. Бу майлисни Ўзбекистон КП шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ўтказди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов мажлиси қисқача кириш нутқи билан очди. Мажлисида Тошкент трамвай-троллейбус трестининг бошқарувчиси К. Т. Турсунов доклад қилди.

Тошкент трамвай ходимларини Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимовоёва, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари П. М. Сазонов ҳамда партия, совет ва ҳўжалик ташиқотларининг бошқа вакиллари табриклади. Шунингдек трамвай ходимларини пионерлар ҳам табриклади.

Мажлисида Тошкент трамвайининг кекса ишчиларини, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини ўзоқ йиллик самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб айтилди.

Тантанали майлисдан кейин катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

«СССРДА ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА» СТАТИСТИКА ТУПЛАМИ НАШР ЭТИЛДИ

Статистика адабиёти нашриёти («Госстатиздат») СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси томонидан тайёрланган «СССРда транспорт ва алоқа» деган статистика тўпламининг нашр этилди.

Тўпламда 1913 — 1956 йиллар ичида юк обороти, темир йўл, сув ва автомобиль транспорти билан юклар ҳамда пассажирлар ташиш, ҳаракат составидан фойдаланиш, транспортда меҳнат унумдорлиги, ташиш танаяриги тўғрисида ва алоқанинг ривожланиши ҳақидаги жуда муҳим маълумотлар келтирилган.

Маълумотлар умуман СССР бўйича, шунингдек иттифокчи республикалар бўйича келтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ, РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ХОДИМЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон матбуот, радио ва телевидение ходимларининг съезди 1957 йил 10 сентябрь эрталаб соат 10 да А. Навоий номи ўзбек давлат опера ва балет театрида очилди.

Областлардан келган делегатлар улар ўрнашган мийнинг ўзиде 9 сентябрь куни рўйхатга олинди.

Тошкент шаҳардан сайланган делегатларини рўйхатга олиш 9 сентябрь кунузд соат 12 дан бошлаб Тошкент шаҳар партия комитетининг мажлислар залда (Пушкин кўчаси 1-уй) ўтказилди.

Партия ва Ҳўкуматнинг қудаллик гамхўрликлари туфайли трест ўтган вақт мобайнида примитив транспорт воситаларига эга бўлган корхонадан йирик транспорт ҳўжалигига айланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент трамвай-троллейбус трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективини бундан кейин ҳам аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун астойдил курашадиган деб қаттиқ ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КП
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Меҳнат совгалари

Илғор ишчининг ваздаси

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводи-нинг кўп сонли коллективини ўртасида Улғу байрам шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора нег қучиб бйомоқда. Мусобақа жараёнида янгидан-янги ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда. Ана шулардан бири рандаловчи Шарифхўжа Эминхўжаевдир.

Шарифхўжа заводага 1954 йилда келди, У, ишга кирмасдан аввал корхонанинг цех ва участкалари билан танишди, турли насб эгалари билан суҳбатлашди. Шундан сўнг ундан қисси касбини танилаб олганинини сўради. Шунда Шарифхўжа ниқиланмай:

— Рандаловчи бўлсам, — деб жавоб берди.

Шарифхўжани тажрибали рандаловчи ўртоқ Шепсет Лайхтерга шогирд қилиб бйиритди.

— Агарда ўз ишининг чинаманига устаси бўлсам десанг, — деди устоз ўз шогирдига, — иш жараёнидаги ҳар бир майда-чуйдага элоҳида эътибор бериб ўрган. Кўпроқ техника адабиётларини ўқи.

У, ўз олдида устозидек тез ва сифатли ишлайдиган рандаловчи бўлишни мақсад қилиб қўйди. Кўпчилик ёрдами билан ва ўзининг ҳаракатчанлиги ҳамда тиришқоқлиги билан Шарифхўжа мақсадига эришди. Ҳозир у 5-разрядли рандаловчидир.

— Шарифхўжа бш бўлса ҳам, — дейди участка мастери ўртоқ Арман, — тажрибали ишчилардан орқада қолаётгани йў. У иш унумини ошириш билан бир қаторда маҳсулот сифатини ҳам тобора оширмоқда.

Шарифхўжа кўп қатори ўз зиммасига Олтибонинг 40 йиллиги муносабати билан оширилган мажбурият олган эди. Донгдор ишчи 7 ноябргача 2,5 йиллик ишлаб чиқариш топширигини бажаришга ваъда берган. Унинг сўзи билан иш бир. Ҳозирнинг ўзидеги 2,2 йиллик ишлаб чиқариш топширигини бажари.

— 7 ноябргача, — дейди Шарифхўжа Эминхўжаев, — канимда 2,5 йиллик топширигини бажараман. Бу — менин Олтибонинг 40 йиллигига совғам бўлади.



Суратда: Шарифхўжа Эминхўжаев иш устида. Текст ва фото Н. Финансовиқис.

УН БИР ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Янгийўл сут заводи коллективини Улғу Октябрьнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қўзғатиб, ўн бир ойлик ишлаб чиқариш планини бажарди. Сариг уой, эритилган сариг мой, қаймоқ ва морозженное ишлаб чиқариш бўйича эса йиллик программа икки баравар ошириб бажарилди. Сут тайёрлашда айниқса катта ютуқ қўлга киритилди. Пландан таъдирли икки минг центнерга яқин сут тайёрланди.

Июль ойида завода янги маҳсулот—20 процентли қаймоқ тайёрлаш ўзаштирилган эди. Маҳсулотнинг бу янги турли истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

А. МЕЖИОНОВСКИЙ.

ПАРКЕНТ ШИВЛҒОНИСИ

Паркент — областимиздаги энг йирик узумчилик районларидан бири ҳисобланади: «Паркент гули» сояки, мускат каби узумлар ўзининг тоғлиқлиги билан райондаги эллик эллик, ҳатто республикамизга машҳур. Шивлғонгузи узуми эса булар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу узумнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шукки, у шивлғон ва маъзали бўлиши билан бир қаторда, серҳосил бўлади. Сўдоқ қишлоқдан бир қолхозчининг янги ҳосилга кирган бир туپ тоқилда 250 беш шивлғонгузи узуми борлиги аниқланди. Шивлғонгузи узумидан тайёрланган вино ва майизлар ичимчилиги ва тоғлиқлиги билан халқимизга манзур бўлади.

Лекин шунга қарамай, бу қимматбаҳо узум хилин бошқа районларда ҳам етштириш ишн била яқин йўлга қўйилган. Паркент шивлғонгузини бошқа жойларда ҳам қўйатириш керак.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Пахта қизил карвони ўтиб боради...

Пахта қизил карвони... Колхозчилар, механизаторлар шунчалик ҳосил яратгучи ҳазилкам меҳнат қилишмади! Маия энди улар ўз қўллари билан етиштирган, қизил карвон юклаган «оқ олтин»ни қўриб қувоқмоқдалар, юракларида ғайрат, билаларида қувват жўш урмоқда.

Ундан жума куни Пискентрайон қувонқли воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Район марказидаги кўчадан автомашиналар, автокачалар колонияси қўли турибди. Уларда ёз бўйи қилинган меҳнатнинг ажойиб самараси, дастлабки ҳосил — пахта юклаган эди. Кишилар юзида қувонч жўш уради. Пахтакорлар меҳнатини олқийлаб айтаётган сўзлар, қўшқилар бир-бирига қўшилиб жаранглайди. Район меҳнаткашлари пахтакорларни янги ҳосил билан чин қўнғилдан табриқлайдилар, уларнинг ишларида муваффақиятлар тилайдилар.

Қизил карвоннинг биринчи қаторида «Гулистон» колхозни бораётди. Машинада Пискентнинг ифтихори — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Соҳиба Ғуломхоннова ва Ҳасим Қодировлар ўтиришди. Моҳир звено бошлиғи Соҳиба Ғуломхоннова бошқича звено аъзолари бу йил ҳар гектар ердан канимда 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар.

Ундан кейинги машинада «Пискент» пахтачилик совхозни биринчи бўлими ишчилари терган «оқ олтин» ортлган. Бу бўлим ишчилари теримга районда биринчи бўлиб киришди. Ишчилар мўл ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун пухта тайёргарлик кўрдилар. Дастлабки қуларлар ажайиб теримчилик борлиги аниқланди. Зарифа Убайдуллаева ана шулар жумласиданди. У теримнинг биринчи куни 107 килограмм, иккинчи куни 122, учинчи куни 136, тўртинчи куни 150 килограмм, ҳозиргача эса 2 тоннага яқин пахта теришга муваффақ бўлибди. Зарифанинг

дугоналари Хури Норматова, Моҳира Жамолова, Соғина Гусанова, Нори Тойлоқова ўртоқлар ҳам ана шундай ғайрат билан меҳнат қилаётдилар. Бу чевар теримчилар мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олганлар. Ҳар куни 110-150 килограммдан пахта териб нормани 2-3 ҳиссага етказиб бажариётдилар.

Булганин номи, Энгельс номи, Жданов номи колхозларда ҳам чевар теримчиларнинг сони ортиб бораётганини бу колхозларнинг пахтаси ортлган машиналардаги ёзувлардан билиб олиш қийин эмас.

Машиналар колонияси пахта пунктига етиб келди. Бу ерда пункт ишчилари ва район пахтакорларининг митинги бўлди. Митингда район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Латипов қисқа нутқ сўзлаб пахтакорларни мўл ҳосил нишонлари билан қизгин табриқлайди ва районимиз пахтакорлари ҳар гектар ердан 22,5 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини Улғу Октябрьнинг 40 йиллиги кунига бажариладилар, деб ишонч билдиради.

Сўзга чиққан Соҳиба Ғуломхоннова мавсумда 35 тонна пахта теришга аҳд қилганлигини айтади ва бошқа теримчиларни ҳам астойдил ишлага тақрирди. Совхоз ишчиси Зарифа Убайдуллаева Соҳиба Ғуломхонновани социалистик мусобақага қақриб, мавсумда канимда 30 тонна пахта теришга аҳд қилганлигини айтиди. Шундан кейин пахта юклаган қизил карвон пункт томон йўл олади.

Шу куни район пахтакорлари давлатга 150 тоннага яқин пахта топширдилар. Бу — йиллик пахта тайёрлаш планининг 0,70 процентини ташкил этади.

Пахта қизил карвони — район меҳнаткашлари ва пахтакорларини йиғим-теримга сафарбар қилиш рўйида ўтди.

Н. РИХСНЕВ.



6 сентябрь куни Пискент район пахтакорлари давлат пахта тайёрлаш пунктига қизил карвон билан мўл ҳосилнинг дастлабки нишонларини келтирдилар. Суратда: «оқ олтин» ортлган қизил карвонлар заводага кириб келмоқда. М. Шенелев фотоси.

Тошкент трамвай-троллейбус трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент трамвай-троллейбус трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг шонли коллективини шаҳар электр транспорти — трамвайга асос солинган кунининг 50 йиллиги муносабати билан қизгин табриқлайди.

Тошкент трамвай-троллейбус трести республикамизда энг кекса корхоналардан бири бўлиб, ўтган 50 йил мобайнида аҳолига шаҳар пассажир транспорти билан хизмат кўрсатишда катта иш қилди.

Партия ва Ҳўкуматнинг қудаллик гамхўрликлари туфайли трест ўтган вақт мобайнида примитив транспорт воситаларига эга бўлган корхонадан йирик транспорт ҳўжалигига айланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент трамвай-троллейбус трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективини бундан кейин ҳам аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун астойдил курашадиган деб қаттиқ ишонч билдиради.

**Мирзачўли ўзлаштирувчиларнинг
партия-хўжалик фахрийи йиғилиши**

Халқ хўжалиги кенгаши ўз қудратлиги генератор фойдаланиш баъзининг, иқтисодий-маъмурий раёнкалардаги корхоналарга ажратилган лимит фондларини ҳар бир корхонанинг талаб ҳамда аҳисси қараб ўзи тақсимлашни зарур.

Тошкентта зарур инстументум ва деталлар базасини ташкил эти ҳақида қўлдан бери тапширилди. Бирок, Кенгаш бу масалани ҳақиқатда қол қилгани йўқ. Шу соҳада «Уфбексельмаш» заводи ялғари қандай бўлса, ҳозир ҳам ОУН-4-6 машиналари учун зарур бўлган септарлар Харьковдан ташиб келиниши

ги кенгаши билан
алоқани мустахк

Ихтисослаштирилган бошқа АКЖ-
а территориал трест Сансат ва
ражлан курилишига рахбарлик

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. А. Габриельяни кутк сўзлади.

Паркнинг болалар майдончасида
аҳвол жуда ачинарли. Майдончада
болаларни қизиқтирадиган ҳеч

Ҳисобсиз ваъда, ижро этилмаган
буйруқларни қим текширади?

Х. ҲОЖИМАТОВ,
Мирзачўл районидаги Сталин
номли колхоз аъзоси.



мурий районидаги корхоналарнинг яна ҳам яхшироқ ишлашлари учун қўшимча имкониятлар вужудга келтиради.

Суратларда: 1. П. Шерматов. Ю.
Баламюкларлар. 2. Котхазин Насиб



Мўминов ўроқлар тарвузларни са-
лажимова узум узмоқда.
М. Шерофидин фотоси

К. ФАДЕЕВ.

